

# HUQUQ

#49

(416)

YURIDIK GAZETA

Dekabr

D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	31
Y.	4	11	18	25	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

## RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



### Оқилона меҳнатга муносиб баҳо

Халқимиз муҳим сана — Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Бош қонунимизда барча фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлиги сабабли мазкур байрамни барча ўзгача рўҳда нишонлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам Конституция байрамига бағишланган тадбир ўтказилди. Йиғилишни Республикаимиз Бош прокурори, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Р.Қодиров олиб борди ва Асосий қонунимизнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, мазмун-моҳияти, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти хусусида маъруза қилди. Жумладан, фуқароларимизнинг конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг масъулияти ҳамда сўнгги йилларда бу борада эришилган ютуқлар ҳақида ҳам гапириб ўтди.

Йиғилишда яқинда Андижонда бўлиб ўтган муҳим воқеалар тилга олинди, у ерда мардларча халок бўлган Андижон шаҳар прокурори Фанижон Абдурахимов ёдга олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 22 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмига, Мудофаа ва Фақулдада вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармо-

нига биноан ислохотларни амалга оширишда фаол қатнашган, халқимизнинг оқибатини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатган, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун тақдирланган прокуратура ходимларига давлат мукофотлари топширилди.

Мазкур фармонга асосан Андижон шаҳар прокурори Ф.Абдурахимов (марҳум) II даражали «Шон-шарф» орденига сазовор бўлган. Ушбу орден марҳумнинг рафиқаси Б.Абдурахимовага топширилди. Янгибозор тумани прокурори Ж.Наримбетовга «Дўстлик» ордени президент дивонига тақдим этилиши маълум қилинди. Андижон вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси К.Нодировга «Жасорат» медали, Сурхондарё вилоят прокуратураси кишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Б.Иботов ҳамда Ўзбекистон Транспорт прокуратурининг биринчи ўринбосари Э.Цойга «Шўҳрат» медали топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар миннатдорчилик изҳор қилишиб, ишончли оқлашга, янада фаол ва фидойилик билан меҳнат қилишга ҳаракат қилишларини билдирдилар.

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,

Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, инсонпарварлик принци- пига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-мод- дасининг 10-бандига ва 93-моддасининг 23-бандига асосан Ўзбе- кистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛА- ДИ:

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун қуйидаги маҳкум- лар жазодан озод қилинсин.

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) мазкур Қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
- г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилганидан кей- ин Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлма- ган чет эл фуқаролари.

2. Ҳўтиётсизлик оқрасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳўкм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазони ўташдан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муд- дат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлашти- радиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир эт- ганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳўкм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳўкми мазкур Қар- ор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлди- риш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар то- монидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган бар- ча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Жазони ўтаётган, бироқ мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйи- дагича қисқартирилсин:

- а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;
- б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

- а) мазкур Қарор — ўта ҳавфи рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди оғирлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун ҳўкм қилинган шахсларга; шунингдек, му- қаддам афв этиш ёки амнистия тартибиди жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;
- б) мазкур Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-модда- сининг 4 ва 5-қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно.

8. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъу- лият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юк- латилсин.

9. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф. МУХИДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 декабр

## АХБОРОТ

### Қатъий талаб қўйилди

Республика Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенга- шининг навбатдан ташқари сессия- সিдаги нуқтидан келиб чиқувчи вази- фаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда ер ва моддий ресурсларни талон-тарож қилиш, улардан қонунга зид тарзда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан на- зоратнинг сусайтириб юборилганли- ги танқид қилинди.

Шунингдек, Бош прокуратуранинг текшириш гуруҳлари томонидан Тош- кент шаҳар, Қорақалпоғистон Рес- публикаси, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари прокуратураси органлари- нинг ҳудудда қонунийликни мустаҳ- камлаш, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эр- кинликларини муҳофаза қилиш, жи- ноятчилик ҳамда ҳўқуқбузарликлар- нинг олдини олиш борасидаги фа- олиятини ўрганиш натижалари муҳ- кама қилинди.

Амалга оширилган ишлар қатори- да Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларининг вояга етмаганлар муаммоларини ҳал этиш- даги ташаббускорлиги, болалар ҳўқуқларини рўёбага чиқариш ва меҳ- рибонлик ўйларидаги аҳволи туддан яхшилашда етакчи ўрин тутганини

эътироф этилди.

Шу билан бирга таъйинландики, жойларда қонунлар ижроси, жумла- дан, кишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан ўрнатилган назорат етарли самара бермаган. Жиноятчиликка қарши курашиш бо- расида маҳаллий ҳўкимлик, ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳўқуқни муҳ- фаза қилувчи органлар билан ҳам- корлик қилишда камчиликларга йўл қўйилганлиги оқибатида қўзланган натижаларга эришилмаган.

Айрим ҳўлларда терговнинг ҳар томонлама ва холисона бўли- шини таъминлаш борасида процес- суал қонунчилик талаблари бузилган. Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш тизими устидан ҳам назорат етарлича таъминланмаган.

Республика Бош прокурори Р.Қо- диров томонидан текширувлар нати- жасига кўра Самарқанд вилоятли про- курори А.Азизов, Тошкент вилоятли прокурорининг ўринбосари Х.Маҳму- дов ва Самарқанд вилоятли прокура- тураси ҳузуридаги СВОЖҚ бошқар- маси бошлигининг ўринбосари С.Гайиров эггаллаб турган лавозими- дан озод қилинганлиги, Тошкент ви- лоятли прокурорининг ўринбосарлари Б.Хўжаев ва А.Ниязов, Самарқанд вилоятли прокурорининг ўринбосарла- ри И.Холбеков ва А.Шамсјуловлар интизомий жазога тортилганлиги,

Самарқанд вилоятли прокурорининг ўринбосари Р.Абдурахимов эса иш фаолиятидаги жиддий камчиликла- ри учун эггаллаб турган лавозими- дан озод қилиниб, прокуратура органларидан бўшатирилганлиги ало- ҳида қайд этилди.

Иш фаолияти ўрганилган қўйи прокуратура ва СВОЖҚ департа- менти органларининг жами 113 на- фар ходимига интизомий жазо қўллангани, жумладан, 23 нафар ходим лавозимидан озод қилинган- лиги ва 12 нафар ходим прокурату- ра органларидан бўшатирилганлиги маълум қилинди.

Бош прокурор томонидан барча прокурорлар олдиға қонунлар ижро- сига бўлган муносабатини кескин ўзгартириш ва назорат фаолияти- нинг самарадорлигини янада оши- риш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Республика Бош прокуратураси ҳайъати прокуратура ходимларининг масъулиятини туддан ўзгартириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ва вазифасига муносиб бўлиши учун касбий тайёрлиги ҳамда били- мини мунтазам ошириб бориши ло- зимлигини алоҳида таъкидлаб, қўрилган масалалар юзасидан те- гишли қарор қабул қилди.

Республика Бош прокуратурасининг матбуот маркази



# Конституциявий ҳуқуқлар муҳофазасида

118-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.



## Инсон шайни муқаддас

**Халқимиз мамлакат мустақиллигининг 14 йиллигини кенг нишонлади. Шу даврда қабул қилинган конституция ва 400 га яқин қонунда инсоннинг эрки, ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилди.**

Кўпгина ривожланган мамлакатларда конституция асосий қонун дея эътироф қилинади. Чунки бошқа барча қонунлар конституция асосида қабул қилинади.

Республикамиз Конституциясининг 24-боби прокуратурага бағишланган. Унинг 118-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади», — дейилган. Ушбу модданинг моҳиятидан кўриниб турибдики, прокурор зиммасидаги масъулият катта. Агар биронга фуқаронинг конституцион ҳуқуқлари бузилса, биринчи навбатда прокуратурага мурожаат қилишга ҳақи. Чунки «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонуннинг 2-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистоннинг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳақ-ҳуқуқлари бузилган ўнлаб фуқаролар ҳар кун Бош прокуратурага ариза билан мурожаат қилади. Жорий йилнинг 10 ойида 25 миңдан ортиқ фуқаро турли мазмундаги аризалар билан келган. Кўпчилигининг аризаси ҳал қилиниб, шикоятчиларнинг поймол қилинган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Конституцияимизнинг 39-моддасида: «Ҳар ким қарилганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда таъминот олиш ҳуқуқига эга», — дейилган. Бирок айрим ҳолларда жойлардаги раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайли нафақадорларнинг ҳуқуқлари поймол қилинапти. Жумладан, фуқаро Т.Ботиралиева 2003 йилнинг апрел ойидан 2004 йилнинг декабр ойига қадар нафақасини ололмаётгани ҳақида Бош прокурор номига ариза ёзиб, ёрдам сўрайди. Прокуратура аралашувидан сўнг айбдорларга чора кўрилиб, шикоятчи нафақа пуллари берилиши таъминланди.

Кейинги пайтларда Бош прокуратурага фуқаролардан иш ҳақини вақтида ололмаётгани ҳақида аризалар кўплаб тушмоқда.

«Хурматли Бош прокурор! Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга», — дейилган. Бирок меҳнат қилсанг-у, аммо маошининг вақтида ололсанг, бундан қийини йўқ экан, — деб ёзади «Бухорогазпромстрой» ОАЖ ходими Ю.Курченко. — Ойликсиз яшашдан қийналиб, ишдан бўшашига мажбур бўлдим. Конституцияда кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқларимни тиклашга ёрдам берсангиз».

Яқинда Республика Бош прокурори номига Бухоро вилояти прокурори Б.Тоқноновдан расмий хат келди. Унда Ю.Курченко маошини тўлиқ олгани ва «Бухорогазпромстрой» ОАЖга қайта ишга қабул қилингани кўрсатилган.

«Хурматли Бош прокурор! — деб

ёзади Хоразм вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Дўстов Қодир» фермер ҳўжалиги ишчиси Жумагул Раҳимова. — Мен сизга Конституцияимизнинг 35-моддасидаги «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга» деган ваколатдан фойдаланиб, ёрдам сўраб хат ёзмақдаман. Сабаби, «Дўстов Қодир» фермер ҳўжалигида 3 йил ишлаб, иш ҳақимни ололмадим. Бу борада ёрдам берсангиз».

Прокуратура аралашувидан сўнг аризачининг иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Фаргона вилоятининг Бешариқ шаҳридан М.Урмонов, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod туманидан Э.Қўлчиев, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридан Н.Шуқуровлар Бош прокурорга конституцияда кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда ёрдам кўрсатганилиги учун миннатдорчилик хатлари йўллаган.

Сўнги таҳлилларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг 10 ойида мамлакат прокуратура органларига 25 миңдан ортиқ ариза ва шикоят тушган. Бош прокуратура халқ билан юзма-юз мулоқотларга алоҳида эътибор қаратган. Яқинда Бош прокуратуранинг фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлар бўлими масъул ходимлари Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Мустақиллик» ширкат ҳўжалигида, «Хонобод» АБЗ корхонасида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонун, уларнинг конституциявий бурчи ва вазифалари ҳақида мулоқот ўтказди. Бундай учрашувлар прокуратура ва халқни бир-бирига яқинлаштириши шубҳасиз.

**Шухрат КАХХОРОВ,**  
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Халқро микёсда давлатнинг қудрати ҳарбий салоҳияти билан ўлчанади. Қудратли давлатгина фуқароларини ташиқ таъжовулардан ҳимоя қила олади ва мамлакат чегараларининг дахлсизлигини таъмин этади. Конституциянинг 126-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳафсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуроли кўчларга эга», — дейилган.

Қуроли кўчларда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Республика Ҳарбий прокуратураси амалга оширади. «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонуннинг 3-моддасида: «Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади», — дейилган. Кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги барча ташкилотлар Ўзбекистон Конституциясига амал қилиб фаолият кўрсатади, жумладан, Қуроли кўчларимиз тизими ҳам. Мамлакат Конституцияси принципларига қарши қилинган ҳар бир ҳаракат қонунга зид деб баҳоланади.

## ҲАРБИЙЛАР — КОНСТИТУЦИЯ ҲИМОЯСИДА

Конституцияимизнинг инсонпарвар ҳужжат эканлигини дунёнинг етук ҳуқуқшунослари ҳам эътироф этишган. Асосий қонунимизнинг максасди ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибисига таъйиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Мустақиллик йиллари улуғ максаслар йўлида катта қадамлар қўйилди. Жумладан, Ҳарбий прокуратура тизимида ҳам ҳарбийларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кўпгина ишлар қилинди.

2005 йилнинг ўтган даврида биргина Мудоффа вазирлигига қарашли уйлара ноқонуний равишда кириб олган фуқароларни қиқариш ҳақида фуқаролик судларига 90 дан ортиқ даъво аризаси киритилди. Бу ишлар билан кўплаб ҳарбийларнинг конституцион ҳуқуқлари тикланди, уй-жой билан боғлиқ муаммолари ҳал қилинди.

Бугунги кунда Қуроли кўчларимизда Ватан манфаатларига содик, юртимизнинг осойишталигини асрайдиган йигит ва қизлар хизмат қилапти. Ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигит учун фарға айланмоқда.

Эътирофли томони шундаки, ҳарбий хизматда бўлган йигитларимиз ўз келажаги учун замин тайёрляпти. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуроли кўчлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ҳам сўзимизнинг исботи бўлади. Унда: «...Қуроли кўчлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртрагига ўқишига киришда тест синовларида тўпландиган энг кўп балнинг 25 фоизи миқдоридида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгилансин», — дейилган.

Бу — ёшлар учун катта имкониятдир. Қарорда имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсиясига эга бўлган шахсларга берилиши таъкидланган.

Ҳарбий прокурорларимиз юммасига ана шу қарорнинг ижросини таъминлашда катта масъулият зикланади.

**Фарҳод ОМОНОВ,**  
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим катта прокурори

Кизилтепа туманида жорий йилнинг 1 октябридан 1840 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси, 1678 та микрофирма, 62 та кичик корхона, 869 та фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, улар аҳолига 1 млрд 446 млн. сўмга яқин пуллик хизмат кўрсатишган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп.

Ўзбекистон Президентининг 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони ва 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида»-ги қарори ижроси юзасидан қилинаган ишлар умумлаштирилганда тадбиркорлик имкониятларидан

## Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб

етарли даражада фойдаланилмаётгани маълум бўлди.

Туман прокуратураси томонидан тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва унинг қафолатлари тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 2 та текшириш ўтказилиб, 2 та ноқонуний қарорга протест киритилди. 2 та интизомиий иш қўзғатилиб, 141 миң сўмлик зарарининг ихтиёрий равишда тўпанишига эришилди. 9 млн. 20 миң сўмини ундириш ҳақида эса вилоят прокурори номига ҳўжалиқ судига даъво ари-

**Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг эркин касб танлаши, меҳнат қилишига кенг йўл очилгани боис мулкчиликнинг хилма-хил шакллари пайдо бўла бошлади. Хўсусий мулк дахлсизлигининг қонун билан қафолатланиши эса фуқаролар, хўсусан тадбиркор ва фермерларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини янада оширмоқда.**

заси киритиш учун 20 та тақдимнома юборилди. Жумладан, туман ҳокимлиги ҳўзуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида айрим «тушунмовчилик»ларнинг қайд этилиши ҳеч муроаса қилиб бўлмайдиган ҳолатдир. Бу «тушунмовчилик»лар тадбиркорлик билан шугулланиш максасидида давлат рўйхатидан ўтиш учун

олинадиган йиғимларга қелиб тақалади. Аникроги, Фазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги асосий давлат бюджет параметрлари тўғрисида»-ги қарори аллақачон қучга кирган бўлишига қарамай, тадбиркор сифатида рўйхатга олинган А.Файзиевдан 3917 сўм йиғим олиш ўрнига инспекция бошлиги Ш.Ҳайдаров 39.175 сўм олиб, қвитанция берган. М.Улуғова, Д.Самиева, О.Гадовлардан ҳам шу тарзда ошиқча йиғим олинган. Туман прокуратурасининг аралашуви

билан улардан ноқонуний олинган 141 миң сўм қайтариб берилди. Инспекция бошлиги Ш.Ҳайдаровга туман ҳокимининг 15 августдаги буйруги билан ҳайфсан эълон қилинди.

Бундан ташқари туман прокуратурасининг аралашуви билан 18 та фермер ҳўжалиги 7 млн. 738 миң сўмлик дебиторлик қарзини ундириб берди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашуш кейинги пайтларда кескин камайган бўлса-да, ҳали соҳада ечимини қутаётган муаммолар кўп. Айнан шу масалалар юзасидан тегишли ташкилот ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари билан ўтказилаётган йиғилишларда очик-ойдин фикрлашиб олинмоқда.

**Зафар РИЗАЕВ,**  
Кизилтепа туман прокурори





# Конституциямиз қабул

Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.  
Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасидан.

ги йўқ мутахассисларимиздан бири! Ботир ака чиқавермади. Афтидан ишда ушланиб қолганга ўхшайди. Расман иш куни саккизда, бироқ у каби фидойи, жонқуяр муҳандислар ишининг вақт-соати йўқ. Цехда, қурилмада биронта мурват ишламай қолса, тун ярими, тонг сахарми, дам олиш куними, уйдаги телефон жиринглаб, чакришади. Хар нарсадан устун масъулият ҳисси уни ишонага етаклайди. Узлуксиз технология жараёни, сув ва ҳаводай зарур ёқилги — бензин қурилмаси тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлаш масъулияти қонқонига сингиб кетган. Қирғулидаги Тургенев кўчасида, қўл-қаватли темир-бетон ва гиштин бинолар орасида биринчи бор келган одам ада-

ҳандиси лавозимларида ишлаган, технологик жараёнларни, носозликларни бартараф этиш йўл-йўриklarини атрофлича ўрганиб, тажриба орттирган. Ишлаб туриб, сиртдан Фарғонадаги индустриал техникуми, политехника институтида ўқиган. 2002 йилдан буён 1-цехнинг технологик қурилмаси механиги лавозимида ишляпти. Ишдан бошқа нарсасга қизиқмайди, ишлаб ҳаловат топади. Корхона иккинчи уйдаги бўлиб қолган. Қирғули билан Фарғонанинг ораси бир қадам. Лекин ишдан бўшаб, шахарга камдан-кам тушади. Айтишларича, корхона ходимларининг иш ҳақлари пластик картоқчалари-

хардаги биз ўқиган 1-урта мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳафтада бир, меҳнат дarsi кuni заводга келиб, ўша қурилманинг иш жараёнини ўрганардик. 10-синфни битирарётганимизда заводдан ҳам шаходатнома олгандик. «Узимизга ишга келинглр, шогирд бўлиб иш ўргана сизлар» деб таклиф қилган эди



да). Ишчи-мутахассисларнинг кўпчилиги акциядор сифатида корхонанинг мулкдоридир. Ботир ака Темиров 367 донга, қиймати 1000 сўмдан бўлган акцияларга эга. Улардан 60 фоизгача миқдорда дивидент олмақда. Унумли ишлаб, ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган. Ишга бориб-келишга йўлқира сарфлашмайди, корхона автобусларида бепул катнашади. Корхонадаги ошхоналар тўхс таъмирланиб, қайта жиҳозланган, қундузги ва тунги сменада ишловчилар бепул овқatlanишади. Таомлар сара, витаминга бой ва тўйимли. Шу билан бирга маошга қўшимча овқат пули тарқатилади. Иш жойлардаги кийим алмаштириш хоналари қайта таъмирланиб, янги шафчалар билан жиҳозланган, сменани топишгача, душ ва ҳровуларда ювиниб олишади. Завод билан шаҳар оралиги — Чимқишлоқда корхонанинг даволашиш-соғломлаштириш маркази қурилди. Ишчи хизматчилар касабга уюшмаси ҳисобидан бепул йўлланмалар олишиб, йилига бир марта ўн кундан соғлиқларини тиклашапти. Корхонада экология талабларига риоя қилиш, ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилляпти. Шу йил баҳорда 33 минг тул гул кўчатлари ўтказилди.

## Хавасга яшаб, ишлайдиган шароит

кинчи подъезде, биринчи қаватида туради. Кўни-кўшнлар ҳам заводда бирга ишлашади.

У телефонда айтган манзилни ён дафтарчамга ёзиб қўйдим. Соат 4 дан ўтганда ишчи-хизматчилар дарвозахонадан чиқа бошлади. Дарвозахонадаги ойнаванд ўтиш жойи худди метро станцияларидаги каби деворидан тортиб полигача мрамрсимон қопламали, гард қўнмаган. Кўчадаги йўлаклар ундан ҳам покиза. «Илтимос, сигарет кули тушмасин» деб огоҳлантиради бир қўлида куракча, бир қўлида сугурги, янги ҳалат кийиб олган фаррош аёл.

Суриштирсам, маоши 80 минг сўм атрофида. Ишга корхонанинг автобусида келиб-кетида. Корхонанинг шаҳардаги мана-ман деган ресурсларидан қилинмайдиган ошхоналарида бепул овқatlanишади. Яна бир қатор имтиёзлар. У жон куйдирмай, ким жон куйдирсин!... Ичқаридан чиқаётганлар орасида кадрлар бўлимидаги Патилахон Душатовга кўзим тушди. Боя телефонда гаплашгандик.

— Ўттиз йил тўлибди, корхонамизда ишлаётганига, — деди у Ботир ака Темировнинг қисқача таржimai холини тупқазатиб. — Технологиями миридан сиригача биладиган тен-

шиб қолади. «Адашмай топиб борасиз, Ботир акани ҳамма танийди». Касаба уюшмаси раисининг ўринбосари тўғри айтган экан. Шанба кuni тушга қчин кўчада ўйнаётган болалардан 192-уйни сўрадим. Қайси бири бир томондаги, қайси бири қарама-қарши томондаги уйлрни кўрсатди.

— Нефт заводда ишлайдиган Ботир ака керак эди...

— Ботир тоғами, ҳов ана уйлари, — деди саккиз-тўққиз яшар болақай русчалаб.

У уйда йўқ эди. — Ҳозир келиб қолишади, — деди жондон бекаси Махфузахон опа. — Киригн, кириб тураверинг.

— Раҳмат, ташқарида чекиб тураман.

Кўни-кўшнларнинг аксарияти у билан бирга ишлашади. Уларнинг сўзларидан Ботир аканинг қиёфаси кўзўнгимда жонланди. Қишлоқда ўсиб-ўлғайган содда йигит улкан корхонада ишлаб, ўқиб-ўрганиб, етук мутахассис даражасига кўтарилди. Халолу пок ишлаб, каттаю кичикми бирдай ҳурмат қилиб, эътибор тоғди. У корхонанинг асосий технологик жараёнлари кечадиган цехлари, қурилмаларида чилангар, участка устаси, компрессор қурилмаси машинисти, қурилма механиги, техника назорати му-

га ўтказилганида шаҳар марказидаги Миллий банкни сўраб-сўраб аранг топиб борибди. Кўчанинг нариги юзида банк биносига кўз қирини ташлагунча олдида бораётган нотаниш кимса гоийб бўлиб қолибди. Аланглаб тополмади. Ҳайратга тушиб қараса, ер тагидан одамлар чиқапти... Кўча остидан ўтган туннельни шу чокчага кўрмаган экан... Шаҳарда шунча йиллашаб, соддалиги қолмаган. Оилалари аҳил, қизи Мунирахогани турмушга узатиб, 3 нафар невага кўрган, ўғил Бахтиёрхон институти битириб уйланган, заводдаги қурилмалардан бирода оператор лавозимида ишляпти.

Ботир ака илгари Фарғона тумани (ҳозир Қувасой шаҳри) худудида қирадиган Кўчқорчи қишлоғида туғилиб ўсган. Дадаси, раҳматли Дамин тоға Фарғона тўқимачилик комбинатида меҳнат қилган. Ботиржон харнчи хизматни ўтаб келганидан кейин ҳамжиҳатли Қосим акага қизиқиб, нефтни қайта ишлаш заводига ишга кирган. Унинг кўлида-чилангарлик касбини ўрганган.

— Установка бошлиғи Николай Будзиевский ўта талабчан мураббий эди, — эслайди Ботир ака. — Қурилмани беш кўлдай биларди... Мен ҳам устони танирдим. Ша-

Н.Будзиевский. У башорат қилган эканими, ҳозир ўшанда бирга ўқиган сиффозларимиз Мансур Ағзамов, Одилжон Муротов, Неъматжон Мирзаев, Рузали Курбоновлар корхонада турли лавозимларда ишляпти... Ботир ака Махпир Тошпўлатов, Абдулахад Фаниев, Тошпўлат Раҳимов каби устозларини эҳтиром билан тилга олади.

— Бош муҳандисимиз Ҳабибулло Алиев кунора қурилмага келади, муаммоларни шу ерда ҳал қиламиз. Цех бошлиғи Валерий Шарофутдинев, қурилма бошлиғи Владимир Ан билан ўзаро фикрлашиб, бир тўхтамга келамиз.

Республика иқтисодиёти яхлит бир организм бўлса, «Ўзнефтьгаз» давлат акциядорлик компаниясини унинг асосий қон томирлари. Компаниянинг етакчи корхонаси — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига меҳнат қилаётган 8000 га яқин ходимлар иқтисод ораги тўхтовсиз тегиб туриши учун зарур ёқилги маҳсулотларини етказиб беришмоқда. Корхона ходимлари Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларидан тўхс фойдаланишапти. Бош қонуннинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари бўлимида хар ким мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга деб белгилаб қўйилган (36-мод-

да). Ишчи-мутахассисларнинг кўпчилиги акциядор сифатида корхонанинг мулкдоридир. Ботир ака Темиров 367 донга, қиймати 1000 сўмдан бўлган акцияларга эга. Улардан 60 фоизгача миқдорда дивидент олмақда. Унумли ишлаб, ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган. Ишга бориб-келишга йўлқира сарфлашмайди, корхона автобусларида бепул катнашади. Корхонадаги ошхоналар тўхс таъмирланиб, қайта жиҳозланган, қундузги ва тунги сменада ишловчилар бепул овқatlanишади. Таомлар сара, витаминга бой ва тўйимли. Шу билан бирга маошга қўшимча овқат пули тарқатилади. Иш жойлардаги кийим алмаштириш хоналари қайта таъмирланиб, янги шафчалар билан жиҳозланган, сменани топишгача, душ ва ҳровуларда ювиниб олишади. Завод билан шаҳар оралиги — Чимқишлоқда корхонанинг даволашиш-соғломлаштириш маркази қурилди. Ишчи хизматчилар касабга уюшмаси ҳисобидан бепул йўлланмалар олишиб, йилига бир марта ўн кундан соғлиқларини тиклашапти. Корхонада экология талабларига риоя қилиш, ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилляпти. Шу йил баҳорда 33 минг тул гул кўчатлари ўтказилди.

Еш кадрларни тарбиялашга маблағ ажратилляпти. Корхона йўлланмаси билан институтларда таълым олаётган бўлажак мутахассислар учун контракт тўловларига пул ўтказиб берилляпти.

— Хуллас, ҳавасга ишлайдиган бўлиб қолдик, — деди Ботир ака Темиров. — Маош, бошқа тўловлар билан бирга 180 минг сўмга қчин иш ҳақи оламан. Турли имтиёزلардан фойдаланаман. Меҳнат қилганимиздан кўриб, ҳис қилиб турган кишининг иши баракали, унумли. Корхонамизда ишлашни ҳавас қилганлар жуда кўп...

Ботир ака 25 август кuni кечки пайт телевизорда «Ахборот» ни кўриб ўтирганди. Бехос исм-фамилиясини эшитиб, қулқоқларига ишонмади. Шу пайт телефон жиринглади.

— Қуллўқ бўлсин, табриклайман, — деди корхона бош директори Маҳмуджон ака Эргашев. У Тошкентдан туриб, «Ахборот»даги хушхабарни эшитиб, кўнғирок қилганди. Мустақиллик байрами арафасида Президент Фармони асосан Ботиржон Темиров «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган эди.

Хонадон йўлагидаги телефон жиринглади. У йўлакка чиқиб ўшакни кўтарди.

— Беркит, айтдим-ку, беркитиб тур, ҳозир етиб бораман...

Исроил ИБРОҲИМОВ, «Ниқиб» муҳбири



«JIZXATEX LTD» корхонасининг гиламдўзи Гулноза Қобилова тўқилган гиламда пардозлаш ишларини олиб бормоқда.

Муҳаммад КАРИМ олган сурат

## Эътиқод ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Хар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди» деган қонданинг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам юртимизда виждон эркинлиги ғоясининг улғуланишидан далолат беради.

Бугун виждон эркинлиги демократик давлат, фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисми эканини ҳеч ким инкор этмайди.

Виждон эркинлиги дейилганда, айни пайтда фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, уларнинг қонун олдида тенглиги, шунингдек, барча динларнинг ҳам қонун олди-

**Фуқароларнинг эътиқод эркинлиги тўла таъминланган мамлакатимизда айни пайтда 2070 дан ортиқроқ диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда, турли дин вакилларининг ўз динига эътиқод қилиши эркинлиги қонун билан кафолатланган.**

даги тенглиги тушунилади. Қайси динга эътиқод қилиш хар кимнинг шахсий иши. Бу ҳуқуқ мамлакатимиз Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун билан кафолатланади.

Инсонлар ўз ҳаёти давомида маълум қоидаларга таъйиб иш кўради. Билим олиш, меҳнат қилиш, ижтимоий-сиёсий фаолият, эътиқод соҳаларида бу нарсга аққол кўзга ташланади. Ана шу жараёнда бирор-бир йўриқ, ёхуд қондани мутлак-

лаштириш ақидапарастлики келтириб чиқаради. Ақидапарастлик экстремизми, экстремизм эса терроризми келтириб чиқариши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Хар қандай ақидапарастлик изчил ривожлантирилса, албатта, сиёсийлашиб кетади. \* Диний ақидапарастлар фақат ўзларини

энг тўғри йўлдан бораётган диндор дейиш билан бирга, бошқаларни йўлдан озганлар, деб эълон қилдилар ва мана шу ёндашув уларнинг фаолияти мазмунига айлиниб қолади. Ана шундай сиёсий қўчларнинг аксарияти гаразли мақсадларини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланаётган бўлса, бошқа бировлар уни маданий ва мафқуравий курашда асосий восита деб билмоқда.

Диний ақидапарастлик ва унинг илдиздидан сув ичаётган халқро тер-

# Қилинганга 13 йил тўлди



Ўзбекистон Конституцияси ўзбек халқи ва давлатчилигининг миллий ва тарихий аънаналари ҳамда жаҳондаги демократик давлатларнинг тажрибалари асосида ишлаб чиқилгани айтиб ўтиш жоиз. Унда барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва иктомий маъқидан қатъи назар қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатнинг сиёсий ва иқтисо-

нинг муваффақияти ҳамма соҳаларда қонун устуворлигини таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ана шу муҳим вазифа прокуратура органлари га ишониб топширилган.

«Прокуратура тўғрисида»-ги Қонун 1992 йилнинг 9 декабрида қабул қилинган эди. Ҳаёт муттасил ўзгаришда. Шу боис иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонунда прокуратура органларининг фаолият юритиш тартиби, ваколат ва вазифалари ҳозир-

220 млн. сўмлик зарар судларга 803 та даъво аризаси киритиш орқали ундирилганлиги бу борадаги ишларнинг самара бераётганини кўрсатади.

Маълумки, ҳозирги пайтдақишлоқ ҳўжалигида фермерлик ҳаракатига эътибор кўчайган. Қашқадарёда 19 мингга яқин фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатаёпти. Уларнинг эркин ва самарали фаолият юритишига кўмаклашиш прокуратура органларининг диққат марказида турибди. Жорий йилнинг ўтган даврида фермер ҳўжа-

суди шундай мазмундаги 144 та даъво кўриб, қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чикарди. Демак, ҳулоса шуки, ер — халқ мулки, унга нотўғри муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Инсон ва ер муносабатлари ҳам қонун билан тартибга солинади.

Конституцияда хусусий мулкнинг дахлсизлиги, давлат ҳимоясида эканлиги алоҳида қайд этилган. Инсоннинг иқтисодий ҳўқуқлари, жумладан, мулкдор бўлиш ҳўқуқини амалга оширишнинг аниқ механизмини

# Ҳуқуқ ва эркинликларнинг ишончли кафолати

дий ҳаёти, давлат ва жамият қурилиши эркинлаштирилмапти. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳам ана шу мақсадни кўзда тутди. 2001 йилнинг 18 октябридан кўча кирган жиний ҳазолари либераллаштиришга доир қонун мустабид тузумдан қолган эскича қарашлар ва иш юритиш услубларидан воз келишга олиб келди. Мазкур қонун асосида Жиноят кодексига, Жиноят процессуал кодексига киритилган янги ҳуқуқий нормалар амалиётда самарасини бера бошлади. Энг муҳими, айбдорларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳазоларнинг қўлланиши ўзини оқлагпти.

ди давр талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгилаб берилди. Қонунга прокуратуранинг ҳимоя қилиш функциясини кўчайтиришга қаратилган «Фуқароларнинг ҳўқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат» деб номланган янги боб киритилди.

ликлари ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиб судларга 165 та даъво аризаси киритилди.

Лекин қонун ҳамма учун баробар. Фермерларимиз ҳўқуқларини билиш билан бирга бурчларини ҳам чўқур англашлари керак. Айниқса, шартномани бажариш шарт эканлиги қатъий қоидага айланishi лозим. Вилоят ҳўжалик судининг Миришор, Косон, Муборак, Касби, Қарши туманларида бўлиб ўтган сайёр мажлисларида айрим фермерлар билан тузилган шартномалари муддатидан олдин бекор қилиниб, ерни қайтариб олиш ва етказилган зарарни улардан ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чикарилди. Чунки, баъзи фермер ҳўжаликлари уч йил ва ўндан ортмиқ қуддат давлат буюртмаси бўйича тузилган шартномани бажармаганлар, қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмай катта миқдорда қарздорликка йўл қўйганлар. Шунинг учун вилоят прокуратураси бундай фермер ҳўжаликлари га нисбатан судга даъво аризаси киритган эди. Ҳўжалик

яратиш мақсадида «Мулкчилик тўғрисида»-ги, «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи тўғрисида»-ги, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»-ги қонунлар, Фуқаролик, Ер, Меҳнат, Уй-жой кодекслари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида олиб бориладган ишларнинг натижаси аққол кўзга ташланмоқда. Вилоят иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши тобора ортиб бораёпти. Ҳозир Қашқадарёда 52 мингдан ортмиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 11,4 млрд. сўм кредит ажратилди.

нинг эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш тизимини яратди. Энди кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ишига ҳўда-беҳўда аралашиларга ачەк қўйилди, текширишлар сони кескин қисқартирилиб, назорат органларининг режали текширишлари қатъий тартибга солинди. Тадбиркорлик субъектлари топшириладган ҳисоботлар сони ҳам озайтирилиб, соддалаштирилди. Эндиликда тадбиркорнинг ишига асоссиз аралашган мансабдор жавобгар бўлади. Бу борадаги қонун талабларига риоя этилишини таъминлашга прокуратура органлари масъулдир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги (1 август) ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳўқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»-ги (8 август) фармонлари қонунларимизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада кўчайтиради. 2008 йилнинг 1 январидан кўча кирадиган ҳар иккала фармон халқаро ҳўқуқий нормаларга тўла мос бўлиб, инсоннинг конституциявий ҳўқуқ ва эркинликларини рўёбга чикаришга кўмаклашади.

Прокуратура органлари ҳокимият, давлат идоралари ва халқ ҳўжалигининг турли соҳаларидаги мансабдорлар содир этган қонунбузилишларни бартараф қилиш борасида ҳам тегишли чора-тадбирларни кўридилар. Жорий йилнинг ўтган даврида 794 нафар мансабдор ва масъул шахслар жиний жавобгарликка тортилди.

Республикада Президентининг шу йил июн ойидаги мамлакатда бозор ислохотларини чўқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга оид қарори ва бу соҳадаги энг муҳим йўналишлар бўйича тўртта фармони, шунингдек, «Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 5 октябр кўнги фармони тадбиркорлик фаолияти-

Республикада Президентининг шу йил июн ойидаги мамлакатда бозор ислохотларини чўқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга оид қарори ва бу соҳадаги энг муҳим йўналишлар бўйича тўртта фармони, шунингдек, «Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 5 октябр кўнги фармони тадбиркорлик фаолияти-

Хозир ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни тушуниришга прокуратура ҳўдматларининг муҳим вазифаси соддалашга қараб келинмоқда. Шу мақсадда аҳоли ўртасида ҳўқуқий мавзўларда мунтазам чиқишлар қилинаёпти, оммавий тадбирлар уюштирилади. Матбуотнинг таъсирчан кучидан самарали фойдаланилмоқда. Бинобарин, жиноятчиликнинг олдини олишда аҳолининг ҳўқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга ошириладган ислохотларнинг бош мақсади — халқнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирадиган таъминлашдир. Бунга эса қарати тинчлик шароитидагина эришиш мумкин.

**Эшдавлат ЖўРАЕВ,**  
Қашқадарё вилоти прокурори



Сирдарё вилоти Ширин шаҳрида жойлашган «Аҳоли Кўмак Савдо» шўба корхонаси савдо уйи ходими Норбуга Мустафоқуллова сотувчи Зухра Дўстбоева иш устида.

роризм нафақат бўлайин давлат ёки минтақа учун, маълум бутун дунёга ҳавф солаётгани аниқ ҳақиқат. Бу эса уларга қарши халқаро миқёсдаги курашни тобора кескинроқ тарзда кун тартибига қўймоқда.

Шу ўринда таассуф билан айтиш керакки, баъзан Ислום дини ва Ислום фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳўлари учрамоқда. «Муқаддас ислום динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кўчлар, табиийки, ер юзидеги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайдми», деган эди бу ҳақда Президент Ислום Каримов.

Дарҳақиқат, дунёдаги барча динлар каби туз асосида эъгулик, яхшилик, биродарлик каби олижаноб гоя ҳамда тушунчалар мужассамлашган ислום таълимоти одамларни ҳамийша ҳалолик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳр-

шафқатга даъват этади.

Афсуски, олижаноб диний гояларни ўзининг тор гуруҳий манфаатларидан келиб чиқиб талқин этган ва ўндан гайриинсоний мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишлар ҳамон давом этмоқда. Бунини май ойида Андижонда содир бўлган воқеалар мисолида кўришимиз мумкин. Ачинарлиси, бундай ҳўлатлардан турли сиёсий кўчлар турлича ҳулосалар чикаришга, фаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга интилиши яна бир бор ўзини намойн қилди.

Бутун ҳар бир соғлом фикрли инсон бундай уринишларнинг ҳар қандай кўринишига қарши турмоғи шарт. Айниқса хали ҳаётий тажриба етарли бўлмаган ёшларни бундай оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур бўлади.

**Лола ШОМУРАТОВА,**  
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

# Тарозининг икки палласи

Истиқлол йилларида фуқароларимизнинг ҳўқуқ ва бурчлари янги маъно касб этди, шахс, жамият ва давлат ўртасида янгича муносабатлар вужудга келди. Мамлакатимизда барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари уч гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга фуқароларнинг уй-жой дахлсизлиги, шахсий ёзишмаларининг сир сақланиши, виждон эркинлиги, мулк, ворислик ҳўқуқлари кирди. Булар шахс камолотининг асосий омиллари дир. Иккинчи гуруҳга сиёсий ҳўқуқлар ва демократик эркинликларга асосан жамоват бирлашувлари ва сиёсий партияларга уошиш, сайлаш ва сайланиш, сўз, матбуот эркинлиги, мажлислар ва митинглар ўтказиш ҳўқуқлари кирди. Учинчи гуруҳ ижтимоий-иқтисодий ҳўқуқлардан иборат бўлиб, меҳнат қилиш, дам олиш, моддий таъминот олиш ҳўқуқи шулар жумласидандир.

Шахсий дахлсизлик ҳўқуқи фуқароларнинг энг муҳим ҳўқуқларидан бўлиб, Конституцияимизнинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳўқуқига эга» деган қоида билан мустаҳкамланган. Уй-жой дахлсизлиги ҳам энг муҳим конституциявий ҳўқуқлар сирасига кирди. У фуқароларнинг ўз турар-жойини бошқа шахсларнинг қонунга хилоф равишда бостириб киришларидан ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари ёрдамида ҳимоялаш ҳўқуқини англатади. Агар ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳўдматларининг ўзи фуқароларнинг ушбу ҳўқуқини бузса нима бўлади деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жиноят кодексининг 142-моддасидан бу саволга шундай жавоб топамиз: «Турар-жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб, гайриқонуний бостириб кириш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

Шу ўринда Конституцияимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳўқуқ ва эркинликларни бузиш республикаимизда жиноят деб тан олинчиши, ЖКнинг 7-бобида айнан шундай жиноятлар хусусида сўз юритилиши алоҳида таъкидламоқчимиз. Фуқароларнинг тенг ҳўқуқчилигини бузиш (141-модда), хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (143-модда), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (144-модда), сайлов ҳўқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (147-модда), муаллифлик ёки ихтирочилик ҳўқуқларини бузиш (149-модда) шундай жиноятлар сирасига кирди ва уларни содир этган шахсларга қонунда белгиланган жазо чоралари қўланади.

Фуқаронинг шаъни, қад-қимматини поймол этиш айбдорни ЖКнинг 139-моддаси ёхуд МЖТКнинг 40-моддаси бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Шу ерда яна бир гапни айтиб ўтишимиз жоиз. Фуқаролар мансабдор шахслар, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуқия ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳўқуқига эга. Уларни бу иш учун таъйиб қилиш қонунда ман этилган, акс ҳолда таъйиб қилувчи мансабдор тегишли жавобгар-

лика тортилади.

Мақолага бежиз «Тарозининг икки палласи» деб сарлавҳа қўймадик. Давлатда чикарилган қонунларда, жумладан, Асосий қонунда ҳам, худди тарозиде иккита палла бўлгани сингари, иккита муҳим жиҳат бор. Биринчиси, ҳўқуқ ва эркинликлар берувчи жиҳат бўлса, иккинчиси, ман этувчи, таъкидловчи, фуқароларнинг зиммасига бурч юкловчи жиҳатдир. Юқориде биз фуқароларга бериладган ҳўқуқ ва эркинликлар ҳамда уларнинг қандай муҳофаза қилинишини кўриб чикадик. Энди иккинчи паллада нималар мавжудлигига эътибор қаратайлик. Ўзбекистон Конституциясини ва қонунларида:

- 1) Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлиги га, фуқароларнинг конституциявий ҳўқуқ ва эркинликларига қарши юкловчи ҳўқуқ ва диний адоватни тарғиб қилувчи;
- 2) халқнинг соғлиги ва манфаатларига таъсир қилувчи;
- 3) жамиятнинг устуворлиги тузумини зўрлик билан ўзгартариши ўз олдига мақсад қилиб қўювчи ҳар қандай ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа уюшмалар тузиш ҳўқуқларидан. Таъқиқи бузганларга нисбатан қонунда назарда тутилган чоралар кўрилади.
- 4) Конституциявий фуқароларга ҳўқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга, уларнинг зиммасига тегишли вазифа ва бурчларни юклайди. Шу йўл билан мамлакатда барқарорлик, мувозаънат таъминланади.

**Игор КУДРЯВЦЕВ,**  
ТДЮИ ўқитувчиси

1992 йил  
8 декабр

Ўзбекистон  
Республикасининг  
Конституцияси

13

Давлатимизнинг Асосий қонуни саналмиш Конституциямиз энг аввало инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди. Уни ўқиган киши ҳар сафар янги-янги ҳулосалар чиқариши табиий. Қуйидаги суҳбатда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида фикр юритилади.

## Мамлакат тақдирига дахлдорлик

Самарқанд вилоят ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби **Иброҳим АНВАРОВ:**

— Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, жамият бирлашмаларининг фаолиятини муюфлаштириб бориш комиссиямизнинг асосий вазифаларидан саналади. Шаҳар ва туман комиссияларининг фаолиятини назорат қилиш ва муюфлаштириш жараёнида шу нарсага амин бўламизки, ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини талаб даражасига етказиш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Вилоятимиздаги 2 млн. 817 миң нафар аҳолининг 1 млн. 290 мингга ёки 46 фоизи вояга етмаганлардир. Вилоятда 1190 та умумтаълим мактаби, 74 та касб-ҳунар коллежи, 697

45-модда.

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

та мактабгача тарбия муассасаси, 4 та меҳрибонлик уйи ҳамда 12 та махсус мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда. Бирон бир бола эътиборсиз қолдирилгани йўқ. Комиссия томонидан ақли заиф, жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларни аниқлаш, уларга таълим-тарбия бериш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«Сўхат-саломатлик йили» муносабати билан ногирон, кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандларидан 17 тасига ногиронлар аравачаси, 16 тасига ашитиш мосламаси,

моддасида: «Хар қим билим олиш ҳуқуқига эга. Бегул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», — дейилади. Бу ўз ўрнида келажакимиз ворисларининг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Ёшларни тарбиялашда «Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги» концепцияси асосида олиб борилаётган ишлар самара бераётди. Шу ўринда «Сиз қонунни биласизми?», «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори», «Яшил чироқ» сингари тадбирларни қайд этиб ўтиш жоиз.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва прокуратураси ҳамкорлигида вояга етмаганлар ўртасида фақат ҳуқуқий мавзуда эмас, балки ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантириш борасида ҳам талай ишлар йўлга қўйилган. Жорий ўқув йилида Нуробод, Қўшробот, Ўرғут, Пахтачи, Нарпай, Пайариқ ва Булунгур

45 нафарига кийим-кечак ва дори-дармон берилган.

Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳар прокуратурасида ташкил этилган вояга етмаганлар билан ишлаш марказида болалар ҳуқуқларининг рўйга чиқарилиши ва муҳофаза қилиниши борасида мутасадди жамоларнинг фаолияти ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизнинг таълим тизимида конституциявий ҳуқуқ фанини ўқитишга чуқурроқ киришилиши лозим деб ҳисоблайман.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошқисининг 1-ўринбосари **Шоҳида НЕЪМАТОВА:**

— Тўри айтасиз. Иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш долзарб вазифа. Зеро, ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муюфлақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий даражасига боғлиқ. Ўзбекистон Конституциясининг 41-

туманларидан 5 миңдан зиёд ўқувчилар учун Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари, музей, маданият ва истироҳат боғларига саёҳат уюштирилди. Бу ишлар келгусида ҳам давом эттирилади.

Қаловини тоПСанг, қор ҳам ёнади дейишди. Таълим муассасаларида ўқимдан бўйин товлаб, кўча-кўйда бемасъад дайдиб юрган, таълим-тарбия муассасаларидан ўзобосини-чалик билан кетиб қолган ва шунга ўхшаш сабаблар билан ички ишлар идораларининг вояга етмаганларга иқтисодий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига келтирилган 195 нафар ўқувчининг ҳар бирига тажрибали педагоглар, маҳалла фаоллари бириктирилган эди. Бу иш ҳам самара бераётди.

Вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошқисининг **Муродулло ХОЛМУҲАММЕДОВ:**

— Сиз қайд этган кўрсаткич бир қарашида кичик сонга ўхшаб кўринади.



бўлсак, С.Давронова, М.Юнусова, Д.Ким, Д.Умирова сингари ёшлар кўплаб халқро турнирларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришмоқдалар.

Ҳаётда кимки билимга таянса, тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришади. Шу маънода ёшларимиз олдида энг аввало ҳуқуқий билимларни ўрганиш мақсади турмоғи лозим деб ҳисоблайман. Негаки, ҳуқуқий билим жамият аъзоларининг сиёсий фаолиятини кўтаришга, давлатни бошқаришда уларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашади. Сиёсий ҳаёт ва давлат ишларидан воқифлик, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси бир фуқарода ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини камол топтиради.

Бир-биридан фусункор, муҳташам коллежлар, улардаги замонавий жиҳоз ва воситаларга назар солиб, ўйга толман. Ахир булар ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолаётгани йўқ, эртанги кунимизни ўйлаб қилинаётти.

Ёшлар бу орзуларимизни тўғри тушуниб, эл-юртга саждақатли фарзанд, кези келганда чиннакам қалқон бўла олишларига ишонамиз.

Мансур АЛОВУДИНОВ,  
«Huquq» муҳбири

## Жамият тараққиётининг асосий шартли

Президентимизнинг «2005 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори Андижонда изчил таълик этиляпти. Ўтган даврда вилоятда 10 та янги мактаб қуриш, 124 та мактабни реконструкция қилиш, 488 тасини капитал, 83 тасини эса жорий таъмирлаш режалаштирилиб, кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Шу йилнинг ўзида Қўрғонтепа ва Жалолқудук туманларида янги мактаб бинолари қуриб битказилди. Қорасув шаҳрида 4-мактаб ўрнида 420 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. Янги ўқув йили арафасида 16 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 59 тасида капитал ва 14 тасида жорий таъмирлаш ишлари низоҳасига етказилди. Мактаблар ихтиёрига 1 млрд. 385 млн. сўмликдан зиёд жиҳозлар, спорт анжомлари топширилди.

Ўқувчиларнинг билим савияси педагогларнинг малакаси билан бирга яратилаётган дарсликларга боғлиқ. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида 20 та фан йўналиши бўйича қўланаётган дарсликлар экспертизадан ўтказилди.

Экспертлар гуруҳи жойлардан олинган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, Халқ таълими вазирлигига тақдим этди. Барча мактабларда янги ўқув йилида мактаб кутубхоналарига олинмаган дарслик ва қўланмаларнинг маъмул-мундариҳасини ўрганиб, ҳулоса берувчи комиссиялар фаолият кўрсатаяпти.

Ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган профилатик тадбирлар самара бермоқда. Ўтган

йилга нисбатан вояга етмаганлар содир этган жиноятлар 8,3 фоизга камайган.

Афсуски, айрим муассасаларда таълим-тарбия жараёнида нуқсонларга йўл қўйилган, таълимни ислох қилиш учун ажратилган бюджет маблағлари талон-тарож қилинган. Хусусан, таълим муассасаларида дарсга келмаётган, қаровсиз болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли педагоглар эътиборидан четда қолган. Хонобод шаҳридаги коллежларнинг 28 нафар ўқувчиси ўқишга бормай қўйилган. Бироқ уларни қайтариш чораси кўрилмаган. Асака шаҳридаги маънавий хизмат, иқтисодиёт коллежларининг маъмурияти дарсга келмаётган ўқувчиларни вояга етмаганлар бўйича комиссия муҳокамасига қўйиш, тарбиявий ишлар олиб бориш билан шуғулланмаган. Қорасув кишлоқ ҳўжалиги коллежида ҳам шундай камчиликка йўл қўйилган. Бу каби ҳолатлар ўрта мактабларда ҳам учрамқда. Чўнончи, Избоскан туманидаги 1- ва 31-мактабларда мунтазам равишда ўқишга келмаётган ўқувчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Коллежларда ўқувчиларни қабул қилишда жиноятга йўл қўйилган. Хусусан, Асака шаҳар педагогика коллежида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган Н.Ураимова Ф.Қўжоровани ўқишга киритиб қўйиш эвазига отасидан 120 миң сўм пора олган.

Халқ таълими тизимида ўриндошлик асосида бир неча лавозимда ишлаб, аслида ўтмаган машағули учун маош олиш, боғчаларда ортиқча штат очиб, маош тўлаб, бюд-

жет маблағларини ортиқча сарфлаш, моддий бойликларни ўзлаштириш ҳолатлари тўлиқ бартараф этилмаган. Масалан, Улугнор туманидаги 17-мактабнинг собиқ бош ҳисобчиси Н.Ғойибназаров ҳисоб-китобларга оид ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан 3,4 млн. сўм маблағни бошқа мақсадда ишлатиб юборган, ўқитувчиларга тарқатиладиган 762 миң сўм иш ҳақини ҳўжалик харажатларига сарфлаган, мактаб кассасидан ҳеч қандай ҳужжатсиз 217 миң сўм олиб, ўзлаштирган. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар билим юр்தларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган маблағларни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланди. Чўнончи, вилоят «Ягона бюртмачи инжиниринг компанияси» ва Андижон шаҳридаги 1-ХКМС акциядорлик жамияти мансабдорлари Андижон педагогика ва Марҳамат иқтисодиёт коллежларида бажарилган ишлар ҳажмини ошириб кўрсатиб, бюджетга 35,4 млн. сўм зарар етказишган. Умуман, вилоят бўйича ҳужжатларга сохта маълумот киритиш орқали 366 млн. сўм бюджет маблағи талон-тарож қилинган. Жинҳот ва бошқа ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 79,4 млн. сўми ундирилди. 25 та жиноят иши қўзғатилди.

Анваржон ҚУРНОБОВ,  
Андижон вилоят прокуратурининг  
биринчи ўринбосари

## Таълим сифати — муваффақият гаровидир

Қорақалпоғистон давлат университетиде 16 та факультет, 49 кафедрада 462 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда университет маъжуд моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга интилоқда. Жумладан, университетда 6 та интернет тармоғи ишламоқда. Жорий йилда масофавий таълимни ривожлантириш учун видео конференция ўтказишга мўлжалланган қурилмалар ва замонавий электрон дарсликлари яратиш имконини берувчи «Лектор» тизими ўрнатилди. Талабаларни масофадан туриб ўқитишни сиртки махсус бўлими республиканинг иккита тумани — Элликқалъа ва Қўнғиротда синовдан ўтказилмоқда.

Университетимизда 2002 йили «Илғор педагогик технологиялар маркази» ташкил этилиб, унга 20 нафар махсус сарфидошларга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Уларнинг изланишлари натижасида ўтган даврда 12 та монография, 27 та илмий тўплам, бир ярим миңдан зиёд илмий мақола ва тезислар чоп этилди. Илмий салохияти янада ошириш мақсадида кутубхона ташкил этилиб, унинг фонди 470.835 нусхага етказилди.

Талабаларимизнинг спортга бўлган муносабати ўзгача. Уларнинг сазй-ҳаракати билан университетини нафақат илм, балки спортда ҳам танилишга улгурди. Хусусан, «Универсиада» мусобақаларида, Осиё ўйинларида ва жаҳон чемпионатида олтин, кумуш ҳамда бронза медалларини кўлга киритишган. Масалан, оғир атлетика бўйича Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказилган 2002 йилги жаҳон чемпионатида талабамиз Саламат Нуриллаев кумуш медал соҳиби бўлган.

Энг муҳими — талабаларимизнинг келажак авлодининг камол топиши ва мамлакатимиз тараққиёти учун ҳисса қўша оладиган инсон бўлиб етиштилар учун замин яратилди.

Б.МАТМУРАТОВ,  
Қорақалпоғистон давлат университетининг  
1-проректори

**37-модда.**

Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатлардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

очиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш имкониятини кенгайтиради. Россия билан иттифоқчилик муносабатларини ўрнатишга оид шартнома бир вақтлар издан чиққан иқтисодий алоқалар натижасида тўхтаб турган ёки тула қувват билан ишламаётган корхона-

вазифаларни етарли даражада бажармаяпти, хорижий мамлакатлардаги идора ва корхоналар билан ишчи кучига эҳтиёжни ўрғаниб, ўз хизматини тақлиф қилмаяпти. Аксинча, чет элда ишлаш хоҳишини билдирганларнинг хорижга чиқиши учун турли-туман, аслида ҳеч қандай қийматга эга



# Меҳнат ва бандлик муаммолари

Собиқ СССР қонунчилигида мажбурий меҳнат қўзда тутилган эди. Давлат идораларининг ишламаётган фуқароларга нисбатан интизомий, маъмурий чоралар қўллаш, хоҳиш иродасига зид равишда ихтисоси ва малакасини ҳисобга олмасдан корхоналардаги муайян иш ўринларига мажбурий жойлаштириш амалиёти кенг расм бўлган. Янги иш ўринлари яратилиши тобора озаёиб, ишчи кучи кўпайиб бораётган шароитда бундай амалиёт меҳнат унвдорлигининг пасайишига, охир-оқибат иқтисодий турғунликка олиб келди. Юқори унвдорлик иқтисодиёт ривожланишининг асосий воситаларидан ҳисобланади. Бу эса товар ишлаб чиқарувчи корхоналарда технологик жараёнларни муттасил такомиллаштириб, меҳнат сарфини камайтирган ҳолда маҳсулот миқдорини кўпайтириб, сифатини яхшилаб боришни тақозо этади. Акс ҳолда корхона рақобатга бардош бермай, синади. Технологик жараёни такомиллаштириш мобайнида иш ўринлари қисқариб боради, бу ўз навбатида ишсизлик муаммосини келтириб чиқаради. Буни мамлакатимиз иқтисодиёти, жумладан қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар мисолида кўриш мумкин: ширкатлар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилиниши туфайли ишсиз қолаётган фуқаролар сони ортмоқда. 100 гектар

ери бўлган ширкат хўжалигининг пудратчи бригадасида 80-100 киши меҳнат қилган бўлса, шу пудрат ўрнида ташкил толган фермер хўжалигида тенг баробар кам дехқонларнинг ишлаши одатий ҳол бўлиб қолди. Чунки фермер биринчи галда сарф-харажатни камайтирган ҳолда кўпроқ маҳсулот етиштириши қўлаши табиий. Республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан аҳоли ўта зич бўлган, айни чоғда дехқончиликка яроқли ерлар чекланган Фарғона водийси вилоятларида ишсизлик муаммоси тобора ўткирлашмоқда. Ривожланган мамлакатларда саноат ва қишлоқ хўжалиги юқори даражада автоматлаштирилиши туфайли иқтисодиётнинг ушбу тармоқларига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг салмоғи бир ярим-икки баробар кўп. Президентимизнинг шу йил июн ойида эълон қилинган тadbир-корликни қўллаб-қувватлашга оид қарор ва фармонлари кичик корхоналар ташкил этиш, савдо ва маъмурий хизмат тармоқларига кенг йўл

лардаги ишлаб чиқариш қувватини тўлиқ ишга тушириш имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг жонланishi натижасида ишчи кучига эҳтиёж пайдо бўлади, ишсизлар яна аввалги ўринларига қайтишади. Конституциямизда фуқароларнинг ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи қайд этилган (37-модда). Шунга мувофиқ жойлардаги меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимлари муражаат этган фуқароларни рўйхатга олиб нафақа тайинлаш, иш тақлиф қилиш, эҳтиёж бўлган бошқа касб-корларга ўқитиш, жамоат ишларига жалб этиш чораларини кўришмоқда. Республика меҳнат ва ташқи миграция агентлиги Жанубий Корея, Германиядаги иш ўринларини тақлиф қилмоқда. Бироқ ноқонуний йўллар билан хорижий мамлакатларга, масалан, Қозғистон ва Россияга ўтиб, ярим яширин ҳолда ишлашга мажбур бўлаётган фуқаролар оз эмас. Бунинг сабабларидан бири — меҳнат ва ташқи миграция агентлиги зиммасидаги

бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиш орқали сунъий тўсиқларни қўяпти. Таъқиқ ва тўсиқларни, лимитларни четлаб ўтиш учун эса фуқаро пора беришга мажбур. Бунга «Ниқуқ» газетасида ушбу мавзуда чоп этилган мақолада ёришлар жиноят ишдаги далилларни мисол сифатида келтириш мумкин. Расмий идорадаги таъқиқ ва тўсиқлар норасмий идора ва шахсларга қўл келмоқда. Улар малаҳаллий телевидениелар орқали Россия ва Қозғистонга боришни истовчиларга хизматларини тақлиф қилишяпти. Уларнинг орасида лицензия бўйича ишлаётганлар билан бирга ҳеч қандай вақолатга эга бўлмаган шахслар ҳам бор. Одатда эълонларида «чет мамлакатда ишлашни хоҳловчилар» дейишса-да, маълум манзилга элтиб қўйишни зиммасига олишади, холос. Фуқароларнинг хорижий мамлакатдаги кейинги тақдирини билан қизиқишмайди. Эҳтиёжни эътиборга олган ҳолда хорижда ишлаш истаги бўлганларнинг чет элларга чиқиши ва

муайян корхоналарда ишга жойлашиши билан боғлиқ ҳужжатларни имкон қадар соддалаштириш, турли-туман йигимларни беқор қилиш долзарб вазифалардан деб ўйлаймиз. Айниқса, МДХ мамлакатларида ишлашга отланганларга кенг йўл очиб бериш лозим. Бу ишсизлик муаммосини қисман ҳал этиш билан бирга, мамлакатимизга кириб келаётган валюта миқдорини ҳам кўпайтиради. Чунки хорижда ишлаётган фуқаролар ишлаб топган пулларини уйга, оилаларига жўнатиб туришади. Меҳнат ва бандлик кенг қамровли ижтимоий муаммо бўлиб, биз айрим жиҳатларига тўхталдик, холос. Ушбу жараёни бошидан кечирган чет мамлакатларнинг тажрибасини ўрғаниш ва мақбул жиҳатларини қўллаш давлат аҳамиятига молик ишлардандир.

Д.ОГАЙ,  
ТДЮА талабаси

**«O`ZBEK QO`G`OZI» OAJ va «UMRON»  
sho`ba xo`jalik jamiyati**

**Конституциямизнинг 13 йиллик тўйи муносабати билан барча юртдошларимизни табриклайди.**

Манзил: Тошкент ш. Фарғона йўли кўчаси 23.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Пойтахтимиздаги икки тиббиёт институтларининг бирлаштирилиб, Академияга айлантирилиши жорий йилдаги катта ўзгаришлардан бири бўлди.

— Академиянинг ташкил этилиши биз соқлиқни сақлаш ходимлари учун жуда қувончли бўлди, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси умумий жарроҳлик кафедраси мудир, профессор Тоҳир Қаюмов. — Энди биз фуқаролар соғлигини сақлашга янада масъулият билан ёндашиб, бу ердан етишиб чиқаётган бўлғуси саломатлик посбонларини профессионал даражада тайёрлашга интиломимиз керак.

Суратда: Профессор Т.Қаюмов шогирдлари доцент Сайфиддин Бойматов ва ҳамшира Қундуз Мингбоева билан беморни кўздан кечирмоқда.

FUTBOL

Легионерлар керакми?

Шуларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон футбол федерациясининг ахборот-таҳлил бўлими жамоатчилик фикрини ўрганиш дастури доирасида «Ўзбекистон терма жамоасига легионерлар керакми?» мавзусида сўров ўтказган эди. Жорий йилнинг 12 апрелида эълон қилинган сўров 1 декабрдан давом этди. Бунинг ўзига хос сабабли бор. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатимизда футбол мавсуми нихоясига етди. Шу давр мобайнида миллий терма жамоамиз бир неча учрашувларни ўтказди. Унда легионерларнинг учрашувларда ўзини қандай кўрсатгани, ўйиндан ўйинга қандай ўзгариб бориши футболга бефарҳ бўлмаган ҳамма одамларнинг эътиборида бўлди. Кимгадир легионерларнинг терма жамоадаги ўйини ёқмаган, кимларгадир миллий чемпионатимиздаги футболчиларнинг савияси легионерларникидан қўлишмайди дегандек кўринган. 223 кун давом этган сўровда 965 киши қатнашган. Бу кўнига ўртача 4,15 киши овоз берди деганидир. Натижа қуйидаги кўринишда бўлди: — «Легионерлар керак, лекин яхши жисмоний формадаги кучли футболчилар так-

Ўзбекистонда 2005 йилги футбол мавсуми нихоясига етди. Лекин бу футболга оид мулоҳаза ва тортитушлар тамом бўлди дегани эмас, албатта. Бундан кейин ҳам ўйинларнинг таҳлили давом этаверди. Негаки, оддий ишқибоздан тортиб, мутахассисларнинг ҳам ўз қарашлари, таклиф ва мулоҳазалари бор.

лиф этилиши лозим! — 542 (56,2 фоиз) киши; — «Ҳа, легионерларсиз терма жамоа таркиби заифлашиб қолади» — 187 (19,4 фоиз) киши. — «Йўқ! Ўзбекистон чемпионатида иштирок этадиган футболчилар кучли терма жамоани ташкил эта олади» — 179 (18,5 фоиз) киши. — «Бу мураббийнинг иши!» — 36 (3,7 фоиз) киши. — «Менга фарқи йўқ!» — 21 (2,2 фоиз) киши.

ЖЧ-2006 саралаш ўйинларида муваффақиятсизликка учрагач, англиялик мутахассис Боб Хоугтон Ўзбекистон термасида ишни давом эттиришни хоҳламай Хитой клубларидан бирига ўтиб кетганидан хабарингиз бўлса керак. Айни кунларда мухлисларни миллий терма жамоамизга ким бош мураббий бўлади деган савол кизиктирмоқда. Хорижлик бўладими, маҳаллий мутахассис бўладими, миллионлаб ишқибозларнинг ишончини оқлай олса бас.



HAJVIYA

Хоҳ мевали, хоҳ мевасиз, кўчанидаги ҳар бир дарахт сиз учун азиз, шундай эмасми?.. Шундай экан, шу дарахтларнинг бирортаси кесилса нима бўлади?

А-ҳа, сиз учун «ҳеч нима»дир, лекин бировлар учун «ҳеч нима» эмас-да! «Нимага?» дея бошни қотирмай, мана бу гапга қулоқ тўтинг-да энди.

Катта кўчадан то Сайфи пиёнининг эшигигача кўкка бўй чўзган дарахтлар энгил шамолда маст кишидек тебранди. Шу кўчада, пиёндан тўрт-беш ҳовли берида яшовчи Мавлон тоға «касофати ўзига урсин» деб кўча эшиги олдидаги қуриган дарахтни кесган экан, ўша кечаси пиён уйига келмай қўйибди-да.

Хотини минг хил ҳаёлда, олти болани бағрига босиб, эрининг йўлини пойлаб тонг орттирибди. Дарак бўлавермагач, қидиришга тушган хотин — сочлари паришон, рўмолини қўлида гўжмлаганча катта кўчага томон ўқдек учиб бораркан. Мавлон тоғанинг эшиги олдидаги кесилган дарахт тўнкасига бошини қўйиб, тонгги салқинда

жунжикиб, тиззаларини қорнига қапиштириб олган жасадаг кўзи тушди-ю, ўз-ўзидан қадами секинлашди.

Юраги бир нимани сезди. Аста-секин жасадаг яқинлашиб, унинг юзига қараган эди, адашмаган экан, уйлагандай эри бўлиб қичди. Ҳижолатдан икки юзи қизариб, кўчанинг икки томонига кўз ташлади: хайрият ҳеч ким кўринмади. Эри-

ўйлабманми, ўзимни ўша ерга «таппа» ташлабман.

— Дарахтлар тугамаган, Мавлон тоғанинг эшиги олдида узил-лиш бўлган...

— Мен қайдан билай! Кеча ҳам маси жойида эди-ку...

Хотиннинг ростакамига жаҳли чиқди.

— Ҳар қуни бинойидай симёғочларга суюниб келардингиз-ку! Сизга нима бало урди охиригиз кунларда?

— Тўғри, — деди Сайфи пиён қуржўшаган лабию келардим. Энди қаридим, бир симёғочдан иккинчисига етиб келишим қийин, хотин. Бир ҳафтадан бери дарахтларга суюниб келаётган эдим.

— Бунинг нима фарқи бор?

— Ҳар ҳолда дарахтлар орасидаги масофа симёғочларникига қараганда анча қисқа-да, хотин-жон.

— «Жон» деганига хотиннинг кўнгли ийиб, эрининг ёнбошига яна бир ёстиқни тираб қўйди.

— Суюнчиқ бўлади, дадаси, бемалолроқ суюниб олинг...

Илҳом ЗОИР

Суюнчиқ

ни амаллаб, қўлтигидан суюб уйга олиб кирди...

Пешинга яқин пиён кўзини очди. Бу пайтда хотин «пүлемет»ни ўқлаб турган эди, эрининг кўз оңганини кўриб, «тепкини босди».

— Бу нимаси?! Кўчада ётиб қоладиган одатингиз йўқ эди-ку?

Сайфи пиён «мудофаа»га ўтди.

— Автобусдан тушиб, кўчамиздаги дарахтларга суюниб-суюниб келаётган эдим, бирдан дарахтлар тугади.

— Мавлон тоғанинг уйининг олдидаги келибми?

— Қаерда бўлса ҳам дарахтлар тугади-да... «Етиб келдим чоғи» деб

BILASIZMI?

Конституция (лот. *constitutio* — тузилиш, қурилиш) — давлатнинг асосий қонуни, мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузилишини, сайлов тузилиши, ваколатли давлат ҳокимият органларининг тузилиш тартиби ва фаолият принциплари, бошқариш усулларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи олий мақоли ҳуқуқий ҳужжат. Конституция давлатнинг барча қонуларининг асоси, пойдеворидир.

Ўзбекистоннинг амалдаги конституцияси ўн иккинчи қаҳирик Ўзбекистон Олий Кенгагининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Унга 1993 йил 28 декабрда Олий Кенгагининг XIV сессиясида, 2003 йил 4 апрелда иккинчи қаҳирик Ўзбекистон Олий



Конституциямизнинг маънолар хазинаси

Мажлисининг XI сессиясида ўзгартаришлар киритилди.

Суверен (фран. *souverain* — олий, юқори) — олий ҳокимиятни амалга оширувчи, суверенликка, мустақилликка эгаллик. Суверенитет (фран. *souverainete*, нем. *souveranitat* — олий ҳокимият) — давлатнинг ташқи ишларда мустақиллиги, ички ишларда олий ҳокимиятга эгаллиги. Суверенитетга ҳурмат ҳозирги халқаро ҳуқуқ ва мамлакатлараро муносабатларнинг асосий принципи сифатида БМТ уставида ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

«Ўзбекистон — суверен демократик республика» (1-модда).

Президент (лот. *praesidens, prae dentis* — айнан маъноси: олдинда ўтирувчи) — бошқаруви республика шаклидаги ақсарият мамлакатларда давлатнинг маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат ва ижро ҳокимият бошлиғи; парламентар республикаларда фақат давлат бошлиғи. Парламент ёки махсус ҳайъат томонидан, президентлик республикаларида тўппа-тўғри ёхуд босқичли сайлов йўли билан, айрим мамлакатларда вазирлар кенгаши томонидан сайланади.

«Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир» (89-модда).

Парламент (нем., инг. *parlament*, фран. *parlement* < *parler* — гапирмоқ) — тўлиқ ёки қисман сайлов асосида таркиб топан қонун чиқарувчи олий вакилик органи. Дастлаб XIII асрда Англияда аҳоли табақаларининг вакилик органи сифатида шаклланган. Дунё мамлакатларида парламентлар турлича: Англияда — парламент, АКШда — конгресс, Россияда — дума, Швецияда — ригсдаг, Норвегияда — сторинг, Германияда — бундстаг, кўпгина мамлакатларда миллий мажлис, халқ мажлиси деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг парламенти Олий Мажлисдир.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакилик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади» (76-модда).

Демократия (يون. *demos* — халқ, *kratos* — ҳокимият: халқ ҳокимияти, халқ бошқаруви) — халқнинг ҳокимият маъноси эканлигини, давлат ишларини ҳал қилишда қатнашиш ҳуқуқини, шунингдек, кенг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этишга асосланган давлат шакли; бундай давлатда, сиёсий тузумда халқ ҳокимияти усуллари, фуқароларнинг қонуларда мустаҳкамлаб қўйилган эркинликлари, тенг ҳуқуқлилиги ҳақиқатан амалда бўлади.

Ақс: мустабилдик, диктатура, авторитарлик, яқка ҳукмронлик — монархия; аристократия ва Ҳ.

«Ўзбекистон халқи: ...демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб... ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур конституциясини қабул қилади» (муқаддимадан).

Сенат (лот. *senatus, senex* — оқсоқол, қария) — қадимги Римда олий давлат кенгаши. Россияда Петр I томонидан қонунчилик ва давлат бошқаруви ишларида олий орган сифатида таъсис этилган, 1711 — 1917 йилларда императорга бўйсунувчи олий давлат органи сифатида фаолият кўрсатган. XIX асрнинг биринчи ярмидан давлат муассасалари ва амалдорларининг фаолияти устидан назорат қилувчи олий суд органи, 1864 йилги суд низомига кўра — олий кассация инстанцияси.

Бир қатор мамлакатларда (АҚШ, Италия ва б.) парламентнинг юқори палатаси, айрим мамлакатларда шахар бошқаруви олий органининг номи.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакилик палатаси бўлиб, сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат» (77-моддадан).

Референдум — (лот. *referendum* — хабар (маълум) этилиши, эълон қилиниши лозим бўлган масала) — давлат ҳаётининг муҳим масаласи: янги конституция, алоҳида аҳамиятга эга бошқа қонулар қабул қилиш ва уларга ўзгартаришлар киритиш мақсадида ўтказиладиган умумхалқ сўрови, овоз бериши.

«Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ мухокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади» (9-модда).

HUQUQ yuridik gazeta Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Abdulloliq ABDURAZZOQOV Tahrir hay'ati: Bahridin VALIYEV, Abdulhalim XOLMAHMATOV, Pirinql OQDIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66. Telefon: 133-82-34, 133-64-72. E-mail: Info@huquq.uz. Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bostilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatiliishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 158. 10691 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV Musahih: A.MUSTAFOYEVA Sahifalovchi: X.HAMIDOV Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonа manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda